

Савол: Мен озик-овкат дўконида савдо киламан. Пештахталарда хар хил нарсалар, жумладан, спиртли ичимликлар хам бор. Ўзим бу нарсанни ичишни харом деб биламан, аммо савдоси-чи?

Жавоб: Бугунги кунда ана шу ичимлик туфайли жуда кўплаб хонадонлар тинчлигини йўкотяпти, топиш-тушишдан барака кўтариляпти, ўгиллар ота-онага ок бўляпти, фарзандлар келажагига рахна солиняпти... Арок етказаётган мусибатларни хеч нарса билан таккослаб бўлмайди. Ичкилик ичаётганлар нафакат ўз инсонийликларини йўкотишимокда, балки бошқаларнинг турмуш тарзига хам катта салбий таъсир ўтказишимокда. Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайхи вассаллаҳ) уни ичганни, сотганни, тайёрлаганни, олдирганни, олиб келганни ва хоказоларни бежизга лаънатламаганлар. Харом нарса билан савдо килиш мусулмон киши учун харомдир. Харом нарсаннг савдоси ботилдир, яъни харом нарсанни сотган пулига эга хисобланмайди. (Мискин, факирларга бериб юборилади, аммо бу мурувватдан савоб умид килинмайди). Яъни, бир киши ўн сўмга арок сотиб олиб, кейин ўн беш сўмга сотса, фойдаси бўлган беш сўмини эмас, ўн беш сўмнинг хаммасини чикаради. Чунки харомга сарфлаш халол пулни харом килади.

"Динда саволим бор" китобидан